



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 164 (12.475)

Баҳоси эркин нархда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Айни кунларда шаҳримиз туманларида Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрамиди муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу жумладан Яккасарой тумани аҳолиси ҳам байрамни ҳар бир соҳада ўзига хос ютуқлар билан кутиб олиш мақсадида ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларига жадал киришган. Қувонарлиси, туман йил сайин обод ва кўркем бўлиб, ўзгача қиёфа касб этмоқда.

Шаҳримизнинг марказий ҳудудларидан бири бўлган Яккасарой тумани 1936 йилда ташкил топган. Чилонзор, Сергели, Миробод ва Юнусобод туманлари билан чегарадош. Тумандаги 16 та умумий таълим, битта ёрдамчи, 2 та мусиқа мактаблари, 22 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та касб-хунар коллежи, 4 та академик лицей, 3 та олий таълим муассасалари буюк келажакимиз бунёдкорлари ҳисобланмиш ёшларнинг камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Туманда 14 та шифона, 4 та поликлиника, 1 та туғруқхона, 5 та диспансер фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши учун биттадан кинотеатр ва маданият ва истироҳат боғлари мавжуд.

Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган турли хил тадбирлар, учрашувлар, семинарлар аҳоли, айниқса ёшлар маънавий онгини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, бўлим томонидан 6 ой давомида ўтказилган умумий тадбирлар 144 тани ташкил этди. Туман маҳаллаларида 14 та, таълим масканларида 101 та, ташкилот, корхоналарда 27 та маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган. Жумладан, «Буюк бобокалонларимиз ва замондошларимиз», «Эзгу ғоялар ҳазинаси», «Маънавий меросимиз – бойлигимиз», «Одам савдосига

қарши кураш», «Гиёҳвандликка – қаршимиз, соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Маҳалладан бошланур Ватан. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун яша», «Саломатлик баркамоллик гарови», «Тинчлик ва барқарорлик – олий неъмат», «Соғлом ҳаёт учун» мавзuidaги маънавий-маърифий тадбирлар аҳоли, айниқса ёшларнинг ҳар томонлама билимли, она юртга содиқ камил инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим омили бўлиши шубҳасиз.

Туманнинг ободлиги, равнақи, аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самарасини бермоқда.

(Яккасарой туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

МУҚАДДАС ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари, Миллий телерадиокорпорация ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг финал босқичига бағишланган тадбирга мусиқашунослар, бастакорлар, хонандалар, мусиқа санъати мухлислари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари Ф.Жалолов ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилдан буён аъъанавий тарзда ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдирини ундошдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Ушбу мусиқа ва санъат байрамидининг ҳар йили истиклол айёми арафасида ўтказилишида катта маъно муҳассам. Мустақиллик эркин ва озод яшаш, ҳамюртларимиз онгу тафаккурида туб ижобий ўзгаришларнинг шаклланиши, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг асосий омили бўлаётди.

Бу йилги кўрик-танлов ҳам баланд руҳда, байрамона кайфиятда ўтди. Унинг барча босқичларида 53 минг 688 нафар ижодкор, 432 профессионал ва ҳаваскор жамоа иштирок этгани бунинг ёрқин далилидир. Айни пайтда ушбу танлов бастакор, шоир ва хонандалар ўртасидаги ижодий ҳамкорлиқнинг мустаҳкамланиши ва кенгайиши, янги истеъдодларнинг кашф этилиши, жаннатмақом диёримизни тараннум этувчи юксак бадиий савиядаги кўшиқларнинг оммалашувидек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Танлов учун тақдим этилган куй ва кўшиқлар миллий қадриятларимиз, бебаҳо маънавий меросимиз, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни тараннум этиши, гўзаллиқни, самимий ва беғубор туйғуларни, ҳамюртларимизнинг эзгу орзу-умидларини акс эттириши, уларни юксак марраларни кўзлаб яшашга даъват этишига муҳим мезон сифатида ёндашилди. Санъат байрамидининг мамлакатимиз бўйича ўтган якуний босқичида 19 нафар хонанда ва 5 мусиқий жамоа ўз кўшиқларини мухлислар ва ҳакамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этди. Иштирокчилар ижросини баҳолашда кўшиқнинг бадиий пухталиги, матн ва куйнинг ўзаро уйғунлиги, хонанданинг саҳна маданияти, ижро маҳорати, кийиниш одоби каби жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

– Ватан, эл-юрт қорига яраш, унинг равнақи йўлида ҳалол ва фидойи меҳнат қилиш орқали мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳақиқий ватанпарварликдир, – дейди Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саййид. – Жонажон диёрни мадҳ этувчи юксак савиядаги кўшиқлар яратиш бастакор, шоир ва хонанда зиммасига катта масъулият юклайди.

Тадбирда она Ватан, истиклол, унинг улкан имкониятлари, миллий ўзлиқни англаш, асрий аъъаналаримизнинг тикланиши, ёшларни буюк аجدодларимизга муносиб инсонлар этиб қамолга етказиш йўлидаги меҳр-эътиборни тараннум этувчи куй-кўшиқлар янгради.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси эртага – 2013 йил 22 август кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Навоий кон-металлургия комбинатида бир қатор эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, комбинатда фаолият юритаётган 48 нафар ёш мутахассис Зарафшон шаҳрида барпо этилган янги уйларга кўчиб ўтди.

● Самарқанд шаҳрида Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан аёллар ўртасида ўтказилаётган спорт фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилган спорт байрамида фестивалнинг шаҳар ва туман босқичида голиблиқни қўлга киритган 16 жамоа иштирок этди.

● Марғилон шаҳрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан «Марғилон мушоираси» деб номланган ёшлар анжумани бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллигига бағишланган тадбирда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан ёш ижодкорлар иштирок этди.

● Андижон шаҳридаги Болалар бондига имконияти чекланган болалар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда 17 нафар иштирокчиларнинг ижодий ишларидан кўргазмалар ташкил этилди. Озод ва обод Ўзбекистонимиз, замонамиз қаҳрамонлари, юртимиз рамзлари, бунёдкор халқимиз томонидан барпо этилган улғувор иншоотлар, турли эртак қаҳрамонлари акс эттирилган ижодий ишлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий судида божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва контрабандага оид ишларни кўриб чиқишда ҳуқуқни қўллаш амалиёти масаласига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Жорий йилнинг август ойида Япониянинг бутун ҳудудида ўрта статистик меъёрдан юқори бўлган жазирама иссиқ ҳарорат кузатилмоқда. Натижада шу ойнинг ўзида 47 мингдан ортиқ киши касалхоналарга ётқизилган. Метеорологлар ушбу жазирама ҳароратни мамлакат тарихидаги энг иссиқ ҳаво – 2010 йилнинг ёз фасли билан таққосламоқдалар. Ушанда фақат август ойи давомида мамлакатда 28448 киши касалхоналарга ётқизилган.

● Кеча бортида юздан ортиқ муҳожир бўлган кема Австралияга яқин бўлган Рождество оролидан 220 километр нарида номаълум сабабларга кўра сувга гарқ бўлган. Қидирув-қутқарув ишларига Австралия ҳарбий денгиз кучлари ва разведкачи самолёт жалб этилди.

● Нью-Йорк полицияси шаҳар тарихида энг йирик ноқонуний қурол-яроғ савдоси иштирокчиларини қўлга олди. Ушбу жиноий иш билан Шимолӣ ва Жанубий Каролина штатларида истиқомат қилувчи икки киши шуғулланган. Улар ўғирланган қуролларни сотиб олишган, янгиларини эса сохта кишиларнинг номига харид қилишган. Сўнг қуролларни Нью-Йоркка йўловчи автобусларда ташишган. Бруклиндаги овоз ёзиш студияси орқали эса ушбу ноқонуний қуроллар тарқатилган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей-


да аъъанавий август кенгаши ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманидаги «Журжоний» маҳалласида бўлиб ўтадиган маънавий-


маърифий тадбир Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланади.

✓ **БУГУН** «Яккасарой-Ватанпарвар» ўқув спорт-тех-

ника клубида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маънавий тадбир бўлиб ўтди.



ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат натижасида ҳар бир болага меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда, уларнинг ҳар тарафлама баркамол бўлиб улғайишлари, тўла-тўқис таълим-тарбия олишлари, ўз қизиқишларига мос касб-ҳунар эгаллашлари, олий ўқув юртиларида ўқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани қувонарлидир.

ЮТУҚЛАРИ САЛМОҚЛИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Яккасарой туманида жойлашган 144-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ўз ютуқлари билан ота-оналари, уларга билим бериб келаётган ўқитувчиларини қувонтириб келишмоқда. Биз мактаб директори билан суҳбатлашар эканмиз, ушбу ўқув даргоҳида ажодларимизга муносиб ворислар етиштириб чиқаётгани, юртимиз доғруғини бутун дунёга танитадиган ёшлар таълим олаётганига гувоҳ бўлдик. Янги ўқув йили олдида мактаб захматкашларининг қўли қўлига тегмаётган, улар ўқувчиларни янги-янги режалар билан қўтиб олиш ҳаракатидалар.

— 2007 йилда «Меҳр нури» жамғармаси томонидан капитал реконструкция қилинган мактабимиз биносиди болаларнинг таълим олишлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди мазкур муассаса директори Нилуфар Хусанбоева. — Янги ўқув йили олдида барча хоналар, спорт ва фаоллар заллари таъмирланди. Яна бир янгилик — жорий йилнинг январь ойидан бошлаб, ҳомийлар кўмағида мактаб фаолияти, ўқувчиларнинг иходи, янгиликлар, тўғрақ аъзоларининг иходлари ҳақида ҳикоя қилувчи мактаб «PARVOZ» журнали чиқарилмоқда. 2012-2013 ўқув йилида инглиз тили, математика фанлари чуқур ўргатиладиган синфлар ташкил этилди. Мактабда «Мега интеллект» ўқув маркази фаолият юритмоқда. Мазкур марказ 5-9-синф ўқувчиларига матема-

тика ва инглиз тили фанларини чуқур ўргатишга хизмат қилмоқда. Ютуқларимиздан яна бири — мактаб ўқувчилари 2013 йили ўтказилган фан олимпиадасида шаҳар бўйича она тили ва тарих фанидан 2/3-ўринни эгалладилар. Янги ўқув йилидан бошлаб биринчи синф ўқувчилари учун 2 та инглиз тили хонаси ташкил этилди. Хона видеопроектор, компьютер ва бошқа замонавий техника анжомлари билан жиҳозланди. Буларнинг бари ёшларнинг янада кучли, билимли бўлишларига хизмат қилади, деган умиддамиз.

Яккасарой тумани бўйича ўтказилган билашувида мактаб ўқувчиларидан 8 нафари совринли ўринларни эгаллади, 2 нафар ўқувчи шаҳар босқичида иштирок этди. 4-синф ўқувчилари ўртасида «Кичик иқтидор эгалари» кўриктанловида туманда 4 та совринли ўринни, шаҳар бўйича она тили фанидан Маржона Абдурахимова биринчи ўринни банд этди. Мактаб «Камолот» ЁИХ етакчиси Сайёра Деҳқоновна туманда «Энг яхши етакчи» деб топилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда истеъдодли ёшларимиз жуда кўп. Уларга яратилган шарт-шароитлар эса ўз истеъдодларини намойён этишларига хизмат қилмоқда. Бизнинг таълим муассасамизда фаолият юритаётган хореография тўғрагининг «Нихол» ашула ва рақс дастаси аъзолари шаҳар бўйича ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда.

билан жиҳозланган корхонада ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига ишчи ўринлари кўпайди. Бу эса иқтисодиётимизни янада ривожлантиришга, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Маҳсулотларнинг сифати, харидор-боп бўлишида фаолият олиб бораётган қўли гул тикувчиларнинг ҳиссасари катта. Корхона турли кўргазмаларда муваффақиятли қатнашиб келади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус» кўрик-танловида фаол иштирок этиб, 2010 йилда «Энг яхши корхона» — ёшларга иш бериувчи, 2011 йилда Яккасарой туман босқичида «Йилнинг энг яхши тадбиркори» йўналиши бўйича 2-ўринни эгаллаган.

Корхонада маркетинг ишлари ҳам яхши ташкил этилган бўлиб, ҳозирда ранг-баранг маҳсулотлар Россияга экспорт қилинмоқда.

қаратилади. Байрам олдида 70-72 та кўп қаватли уйлар олдида ўриндиқлар ўрнатилди, болалар майдончаси қурилди. Аҳоли ҳаётида турли кўргазмаларда кўп қаватли уйларнинг барча кириш эшикларига қўлфлар ўрнатилди.

Ушбу файзли гўшада болажонларимиз учун спорт тўга-

ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар туфайли тадбиркорларнинг сони ортиб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Яккасарой туманида фаолият олиб бораётган «IRODAT-TEKS» масъулияти чекланган жамияти ҳам махсус иш кийимлар ҳамда замонавий моделдаги либослар, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муайян тажрибига эга корхоналардан ҳисобланади. Жамият мамлакатимиздаги қўллаб-ташкilot

ва муассасалардан тушган буюртмалар асосида фаолият юритиб келади.

Корхонада асосан эркаклар ва аёллар, болалар учун тикилаётган кийим-кечак ва бошқа трикотаж маҳсулотларининг сифати юқорилиги қувонарлидир. Россия ва Хитойнинг бичув ва тикув дастгоҳлари, замонавий ускуналар

Байрам олдида тумандаги 18 та маҳаллада кенг миқёсда ободончилик, бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда. Биз тадбиркорликдан Юнус Ражабий номини маҳалла фанлари ҳам байрам арафасида ташкил қилиш мақсадида 1980 йилда маҳаллага Юнус Ражабий номи берилган.

Маҳалла 120 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. 47 та кўп қаватли ва 337 та яқка тартибдаги уйларда 5321 нафар кўп миллатли аҳоли товулиқда, бир-бирининг урф-одатларини ҳурмат қилган ҳолда яшаб келмоқда. Ушбу гўшада санъатимиз дарғаси Юнус Ражабий кўп йиллар давомида ижод қилиб яшаганлиги сабабли келажак авлодга номини қолдириш мақсадида 1980 йилда маҳаллага Юнус Ражабий номи берилган.

— Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдида ташкил этилаётган умумхалқ хайрия ҳаширида барча фуқароларни жалб қилган ҳолда фаол қатнашсини режалаштирганимиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаззам Хасанова. — Худуддаги кўп қаватли уйлар атрофи, ариқ, лотоклар тозаланади, дарактлар оқланади, мевади дарактлар ўтказилади, бир сўз билан айтганда, ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор

раклари фаолият юритмоқда. Иқтидорли болалардан иборат футбол жамоалари туман, шаҳарда ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиб, фавқулодда кўлга киришмоқда. Бундан ташқари маҳалладошимиз Ирина Йўлдошева бадий гимнастика бўйича катта-катта ютуқларни қўлга киритиб, юртимиз шарафини дунёга ёймоқда.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШМОҚДА

Жойларда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яккасарой тумани тиббиёт бирлашмаси таркибида 13 та даволаш-профилактика муассасаси бўлиб, улардан 4 таси стационар, 5 таси поликлиника, 3 та диспансерда шифокорлар туман аҳолисининг саломатлигини яхшилаш йўлида хизмат қилмоқда. Тиббиёт бирлашмаси асосан тумандаги оилавий поликлиникалар ва бошқа тиббий муассасаларнинг даволаш-профилактика фаолиятини ташкил этишга кўмаклашади.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, туманда 115 мингдан зиёд аҳолига 333 нафар шифокор, 750 нафар ҳамшира, 220 нафар санитар ва 150 нафар бошқа тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатишмоқда.

— 19-23 август кунлари туман тиббиёт бирлашмаси муассасаларида саломатлик ҳафталиги ўтказилади, — дейди биринчи терапия бўлими мудири Шухрида Мўминова. — Унда тор мутахассислар томонидан аҳоли тўлиқ чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Аниқланган касалликлар бўйича соғломлаштириш ишлари олиб борилади. Бирлашмаимизда фаолият олиб бораётган Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институти қошидаги ички касалликлар кафедрасидан профессор ва доцентлар шифокорларимизнинг малакасини оширишга кўмак беришмоқда.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш имкони яратилмоқда. ЭКГ, ички касалликлар бўйича шифокорларимиз ўз малакаларини оширмоқдалар. Бундан ташқари касалликларни аниқлашда янги аппаратлардан ЭКГ, гематологик анализатор катта ёрдам беради, деган умиддамиз.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, озиқ-овқат тўғрисида, кийим-кечаклар бериб келинади. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдида ҳам кекса, ногирон кишиларнинг кўнглини шод этиш режалаштирилган.

Гузаримизда фаолият юритиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини фертил ёшдаги аёллар учун 60-сонли оилавий поликлиника шифокорлари билан бирга суҳбатлар, пайшанба кунлари «Ораста ёшлар» давраси қатнашчилари иштирокида семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Маҳаллада номлари бутун дунёга машҳур олим А.Содиқов, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, мусикашунос Юнус Ражабий уй-музейлари фаолият кўрсатяпти. Бундан ташқари маҳалла худудида Амалий санъат музейи жойлашган бўлиб, ҳоҳловчилар жонажон юртимиз тарихи ва маданияти билан танишишлари мумкин.

Ҳозирги кунда мақсадимиз маҳалламизни кўтлуг байрам арафасида яна ҳам файзли, обод ва кўркам гўшага айлантириш, маҳалла оқойишталигини, аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Саҳифа материалларини Зиёда РАСУЛОВА тайёрлади
Ислом Исмоилов олган суратлар

МУВАФФАҚИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Пойтахтимизда «Ўзбекистон ипаги» ассоциациясининг жорий йилнинг ўтган даврида пиллачиллик ва ипакчилик соҳасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ипакчилар ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар «Ўзбекистон ипаги» ассоциацияси раиси А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда пилла етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва ипак мато ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланаётгани самарасида ипак маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифати ошаётганини таъкидлади.

Жорий йилда юртимиз пиллакорлари 25 минг 560 тоннадан зиёд сифатли пилла хом ашёси етиштирди. Бу ўтган йилга нисбатан 2,2 фоиз кўпдир. Мўл ҳосил олишда мавсумда пиллакорлар меҳнатини эъзозлаш мақсадида ўтказилган изчил чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Йиғилишда ассоциациянинг пилла етиштириш, қайта ишлаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлари ва галдаги вазифалари юзасидан атрофлича фикрлашилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

ЛАНДШАФТ ДИЗАЙНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини янада ривожлантириш, аҳоли пунктлари ва қишлоқлараро ҳудудларнинг архитектуравий-бадий қиёфасини яхшилаш, ландшафт дизайни мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 13 августда «Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

Эндиликда Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 июндаги 386-сонли фармойиши билан тузилган Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш дастурини тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳ зиммасига тегишли вазирликлар ва идораларнинг, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Дастурни белгиланган муддатларда сифатли бажариш бўйича фаолияти юзасидан тизимли мониторингни амалга ошириш ҳамда ҳар чорак якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига Дастурни бажариш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот киритиш вазифалари юклатилди.

Дастур доирасида ҳудудий ободонлаштириш бошқармалари ва лойиҳалаш ташкилотларини шу соҳа бўйича олий ўқув юртилари ва коллежларни битирган ландшафт дизайни бўйича малакали кадрлар билан бойитиш кўзда тутилган.

Дастурда Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтда ландшафт дизайни бўйича кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, мазкур таълим муассасаларида «Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедралари ташкил этилади. 2014-2015 ўқув йилидан бошлаб эса айнан «Ландшафт дизайни» ва «Интерьер дизайни» йўналишида ушбу ўқув юртиларига талабалар ўқишга қабул қилинади.

Дастурга биноан Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтлари қошида қўшимча ер участкалари ҳисобига макет ва керамика устхоналари, шунингдек, ландшафт дизайни бўйича технопарк ташкил қилинади.

Ўқитиш жараёнига хориждан архитектура дендрология ва ландшафт дизайни бўйича амалиётчи мутахассисларни тақлиф қилиш режалаштирилмоқда. Ўз навбатида талабалар ҳам Англия ва яна бошқа қатор хорижий мамлакатларда танишув амалиётини ўташади.

Шунингдек, дастурда Республика ва вилоятлар телеканалларида ландшафт дизайнига бағишланган кўрсатувлар туркумини уюштириш, ихтисослаштирилган ташкилотлар, олий таълим муассасаларининг мутахассислари ва талабалари, касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари ўртасида туман, вилоят ва республика даражасида ландшафт дизайни бўйича маҳорат дарслари, ишларнинг мавзули кўргазмалари ва танловлари ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

«Туркистон-пресс»

МАҲАЛЛА — АҲИЛЛИК ВА ОБОДЛИК МАСКАНИ



КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ (2010 йил)

Йилни Ўзбекистон янги парламент билан бошлади. Янги парламент олдида янги вазифалар турар эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг янги таркибдаги биринчи қўшма мажлисида (27.01) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзусида маъруза қилди.

Мамлакатимизда миллий армиямизни янада такомиллаштириш, уни ҳар тарафлама замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтариш бўйича изчил ислохотлар олиб бориляпти. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Бугунги кунда Ўзбекистон амалда ўзининг замонавий, иқчам ва ҳаракатчан, яхши қуролланган, мамлакатимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва оқойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтиш учун барча асосларимиз бор».

12 январда давлатимиз раҳбарининг гоёси ва ташаббуси билан Тошкент шаҳрида бунёд этилган «Ватанга қасамд» ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов сўзга чиқди. «Чиндан ҳам, – деди, жумладан, давлатимиз раҳбари, – ўзининг мустақам ирода-сини, Ватанга садоқатини билан ҳақиқий қаҳрамонликка тайёр бўлган ҳарбий ўғлонларни мен ўз фарзандларим, ўз болаларим, деб биланам ва улар учун бутун борлигимни беришга тайёрман».

Бугунги Ватан ҳимоячиси, Президентимиз таъкидлаганидек: «она юртва, она заминга садоқат билан, кимнинг авлоди эканини ҳаёлидан чиқармасдан, ҳаётда аниқ мақсад ва эътиқод билан яшайдиган ҳарбий инсон Қуролли Кучларимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, энг катта бойлиги» бўлиши керак.

Йил бошида Францияда 90 мингдан ортиқ нусхада чоп этиладиган «L'Essentiel des Relations Internationales» журналининг навбатдаги сониди парижлик журналист Доминик Антуаннинг «Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг тутган ўрни» мақоласи босилди. Унда Афғонистон муаммосини ҳал этишда Ўзбекистон раҳбарининг саъй-ҳаракатлари, унинг ташаббуси билан амалга оширилган эзгу ишлар таҳлил этилади.

Корея Республикасининг пойтахти Сеул шаҳридаги Миллий музейда 2009 йилнинг ноябрь ойида очилган «Шарқ ва Ғарб цивилизациялари чорраҳаси: Ўзбекистоннинг қадимий маданияти» кўргазмаси 2010 йил январда ҳам давом этди. Музейнинг Осиё залида Ўзбекистоннинг бой тарихи ва мероси ҳақида ҳикоя қилувчи антик даврлар – палеолит, неолит ва бронза асрларига тегишли 150 дан зиёд экспонат намойиш қилиниб, улар орасида Самарқанддаги Афросиёб музейидан ўрин олган, корейсларнинг Когурё давлатидан келган икки элчининг VII асрларда ҳукмронлик қилган шох Бархуман ҳузурида қабул қилиниши тасвирланган деворий расмлар фотосуратлари ҳам бор. Бу юртимиз билан Корея ўртасида Буюк Ипак йўли орқали мустақам алоқалар бўлганидан далолат беради.

27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тасдиқланди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун жами 7 триллион 898 миллиард 3 миллион сўм ва 165 миллион 430 минг АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратилиш кўзда тутилди. Бу олдинлари йил йўналишига бағишланган Давлат дастурлари ижросига ажратилган маблағдан бир неча баробар кўп эди.

«Баркамол авлод йили»да бутун Ўзбекистон халқи ана шу Давлат дастурида кўзда тутилган вазифалар руҳи билан нафас олди. Ҳаммамиз келажагимиз бўлган ёшларимиз таълим-тарбияси билан янада жиҳдийроқ шуғулланишимиз, бу борадаги асрлар мобайнида мисқоллаб йиғилган меросимизни ишга солиб, уни тобора бойитишимиз, қўлимиздан келгани қадар шу олий мақсадларни рўйбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшиб яшашимиз кераклигини тушундик.

Шу Дастур ижросини таъминлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори (05.05), «Таълим муассасаларини битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони (28.07) қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва саноати форуми» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Навқирон Ўзбекистон – 2010» республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали қўлибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. 29 август куни Президент Ислам Каримов истиқлолнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қўриб битказилган таълим муассасалари – В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган музыка академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биноси ҳамда Тошкентдаги Турин политехника университети билан танишди. Дунёдаги 18 та давлатдагина автомобиллар учун двигателлар ишлаб чиқариладиган «General Motors» корпорацияси билан ҳамкорликда Тошкентда мотор заводи ишга тушиши билан Ўзбекистон ҳам бу давлатлар қаторидан жой олди. Ана энди бизга автомобилсозлик бўйича етук мутахассислар керак. Мазкур университет ана шундай истиқболни кўзлаб очилди. Ноябрь ойида Тошкентда «Соғлом турмуш тарзи – баркамол авлод тарбиясининг асоси» мавзусида халқаро форум, йил охирида эса Тошкентдаги Ёшлар ижод уйида «Келажақ овози – 2010» республика кўрик-танлови якуний босқичи қўлибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

29 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов иштирок этиб, «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш» мавзусида маъруза қилди.

26 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Хабарингиз борки, 2009 йил 3 июлда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажаққа эътибор» рисолати чоп этилган, ўша йили 30 июлда Вазирлар Маҳкамасининг 394-ф.сон фармойиши асосида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича Республика комиссияси ташкил этилган эди. 2010 йилнинг 26 февралда эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қонуности ҳужжатда Республика комиссиясининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт фонди негизиде Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги юридик шахс мақомига эга бўлган «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланди. Қўйидагилар Фондининг асосий вазифалари этиб белгиланди:

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



– Ўзбек адабиётини янада ривожлантириш, бадий сўз санъати соҳасидаги ютуқларни кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғариш ва йўналтириш;

– Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маиший, тиббий хизматлар кўрсатиш ва бошқа шарт-шароитлар яратиш;

– адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлодга мансуб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларига аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш;

– ижодий кўрик-танловларни ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг ижод намуналарини, жумладан, биринчи китобларини нашр этиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш;

– халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий аънава ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадий ифодасини тоғлан мумтоз ва замонавий адабиётимиз муносиб намуналарининг хорижий тилларга таржима қилинишини ҳамда Интернетда кенг тарғиб этилиши молиялаштириш;

– Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустақамлаш, унинг тасарруфидида қўлмас мулкни боқариш, Фонд маблағларидан Фонд низомида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мақсадли ва самарали фойдаланиш.

Президентнинг ана шу қарори ижросини таъминлаш мақсадида июль ойига келиб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг

ри вакилларининг бир гуруҳи давлатимиз ордени ва медаллари билан мукофотланди.

12 апрелда Тошкентда Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг ўзбек моделини амалга оширишнинг кенг қўламли самараларини, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари салбий таъсирининг олдини олиш ва иқтисодий янада жадал ислох қилиш борасидаги мамлакатимиз тажрибасини ўрганишга бағишланган «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Президент Ислам Каримов конференция иштирокчиларига табрик йўллади.

19 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизimini ривожлантириш рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори чиқди.

28 – 30 май кўнлари Андижонда олий таълим муассасалари талаба-ёшларининг «Универсиада – 2010» спорт мусобақалари ўтказилди.

11 июндан 11 июлгача Жанубий Африка Республикасида футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати ўтказилди. Бунинг мамлакатимиз ахлини хурсанд қилган жойи шу бўлдики, ана шу нуфузли халқаро баскетболдаги бир неча урғушга икки ҳамюртимиз ҳакамлик қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июлдаги фармони асосида Равшан Эрматов «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони, Рафъалъ Илёсов эса «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

30 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бухоро шаҳрида ташриф буюрди. У бу ерда «Бухоро маданий маркази»даги «Қўҳна ва боқий Бухоро» монументининг очилиш маросимида иштирок этди. Март ойида Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Сентябрда бу ишлар нихосига етказилди. Эски музей ўрнига замонавий лойиҳа асосида расадхонанинг қадимий қўриғининги эслатидиган янги музей қад ростлади. 9 сен-

тябрь куни бу ерда Мирзо Улуғбек ҳайкали ҳам қўйилди. Унинг орқасида юлдузли осмон тасвири берилган панно ўрнатилди. 15 сентябрь куни пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, академик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳайкали очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадлари бағишланган ялпи мажлисида нутқ сўзлади (20.09). Унда, асосан, ўрта масалага нисбатан Ўзбекистон позицияси илгари сурилди. Давлатимиз раҳбари, биринчидан, ҳозирги вазиятда қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлида қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар ҳақида тўхтади. Иккинчидан, июнь ойида Қирғизистоннинг жанубида юз берган фожиали воқеаларни таҳлил қилиб, жумладан: «Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кўлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қўрбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор», – деди. Учунчидан, у Орол фожиясига муносабатини баён этиб, жумладан: «Қуриб бораётган Орол муаммоси – бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир», – деган нуктаи назарни қатъий туриб илгари сурди.

Сентябрь ойида Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби Озарбойжон Республикаси пойтахти Боку шаҳрида озарбойжон тилида чоп этилди.

7 октябрда Тошкентда «Барқарор ривожланиш, атроф-муҳит ва Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

13 – 14 октябрь кўнлари Тошкентда VI Халқаро ўзбек пахтаси ярмаркаси ўтказилди. 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

17 ноябрда Тошкентда «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда 30 мамлакат, 60 дан ортиқ халқаро ташкилот вакиллари қатнашди.

12 – 17 ноябрь кўнлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзи Осиё ўйинларида Ўзбекистон тарма жамоаси аъзолари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақиллигини қарийб йигирма йил мобайнида мамлакатимиз парламенти минбаридан туриб қирқдан ортиқ маъруза қилди. Бу чиқишларнинг ҳар бири мустақиллигимизни мустақамлаш, давлатчилигимизни тараққий эттириш, ислохотларни чуқурлаштириш, қонуналигимизни такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш, босиб ўтган йилларини атрофлича таҳлил этиб, келажақ истиқболларини белгиллаб бериш борасида тарихий аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси бу борада алоҳида ўрин тутди.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилган изчил ислохотларнинг марказида инсон ва унинг бахт-саодати, фаровонлиги, маънавий камолоти турганини ҳамма англаб етди. Мустақам иродали, ўз эътиқодига эга бўлган, Ватани, ўз тили, маънавияти, маданияти ва миллий қадриятларини билан фахрлана олган шахсгина мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини барпо этишга ўз муносиб ҳиссасини қўша олади. Келажақ буюк давлатни қураётган ҳар бир фуқароннинг билим ва тафаккури, мақсад-муддаоси, ўй-хаёли, одоб-ахлоқи жамиятда янги иқтисодий-иқтисодий муносабатларни, демократик тамойилларни қарор топтириш, маънавий ва моддий неъматлар яратишга қаратилган, айни пайтда, Ватани ва халқи учун ёниб яшаш ҳисси билан сўғирган бўлиши лозим.

Олим МАХМУДОВ
(Келгуси сонда 2011 йил воқеалари тафсилоти билан танишсиз.)



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Ҳақ сўзнинг мақоми ҳамиша баланд бўлади.

Кечангни унутсанг ҳам, эртангни унутма.

Узоқ яшашдан мақсад кўпроқ яхши иш қилиш бўлиши керак.

Бахтини йўқотган ахтариб ҳам тополмайди.

Бировга оғирлигингни туширмасанг, шунинг ўзи ҳам яхшилик.

Ҳаёт ҳамиша музаффар.

Ёлғон бамисоли кийимга кўнган чанг – бир қоқсанг учиб кетади.

Кимга тили душман, кимга дили.

Қаноатсиз – саодатсиз.

Сен одамларни билмасанг ҳам, одамлар сени билишадди.

Вақт кўнглингга қараб ўтирмайди.

Вақтдан азизи йўқ, бахтдан лазизи.

Шошилганда кўп хато қиласан.

Ҳамияти йўққа аҳамияти йўқ.

Ғап ўқмасга панд ўқмас.

Шубҳа-гумоннинг илдиизи кўркувда.

Бошқалардан қизганган вақтинг кўпична ўзингга ҳам буюрмайди.

Бу дунёда бир кун келиб фош бўлмайдиган сир йўқ.

Ўзининг фойдасига қолганда ҳеч ким бировнинг маслаҳатига муҳтожлик сезмайди.

Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ


Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 22 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 22 август куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинларчи бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 20-22, кундузи – 35-37 даража иссиқ бўлади.



МУСТАҚИЛЛИК —
ЭНГ УЛУҒ,
ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



«Камолот»

ОБОДОНЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ

Мазкур хайрли ишларга ёшлар кенг жалб қилинди. Бундан қўзланган асосий мақсад ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, юртимиздаги тарихий қадимжоларни, қабристон, зиёратгоҳларни обод қилиш, акдопларнинг маънавий, моддий меросини асраб-авайлаш каби туйғуларни кучайтириш ва ўсмирларнинг экологик маданиятини шакллантиришдан иборат.

Хашар давомида қабристонлардаги мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб, кўча ва йўлаклар тартибга

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмасор туман Кенгаши томонидан зиёратгоҳларда «Юртимизни обод қилайлик!» шиори остида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ташкил этилди.

келтирилди. Шу кўни кўпчилик «Камолот» фаоллари билан бир қаторда катта ёшдаги кишилар ҳам зиёратгоҳларни обод қилишда биргаликда фаол меҳнат қилишди. Бу каби хашарлар ҳафтанинг ҳар шанба

ва якшанба кўнлари ўтказилади. «Камолот» ташкилоти эса ёшларни мана шундай эзгу ишларда фаол иштирок этишга қорлайди. **Зиёда ОРТИҚОВА, ЎзДЖТУ талабаси**

2013 йил — Обод турмуш йили

ОЗОД ЮРТНИНГ БАХТЛИ БОЛАЛАРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўғил-қизларнинг ҳар томонлама соғлом, юксак маънавиятли, мустақил ва теран тафаккур соҳиблари этиб вояга етказишда муҳим омил бўлмоқда.



Ёш авлод дунёқарабини эзгу ғоялар асосида шакллантириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда мактабга таълим муассасалари муҳим аҳамият касб этади. Буни пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 140-мактабга таълим муассасаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда мазкур муассасада 375 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Болаларнинг ҳар бир кўнини мазмунли ўтказиш, билим ва тафаккурини кенгайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш учун бу ерда барча шaroит яратилган. Мунтазам равишда ўқитиладиган турли кўрик-танловлар жазжи ўғил-қизларнинг қўбилияти ва интилишини рўёбга чиқаришга, уларни умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётди.

Фарзандларимизнинг келажақда қандай инсонлар бўлиб вояга етиши оилда, боғчада олган илк тарбиясига боғлиқ, — дейди муассаса услубчиси Дилором Хасанова. — Шу боис тарбиячиларимиз болаларга замонавий педагогик технологиялар ёрдамида таълим-тарбия бериш билан бирга, уларнинг меҳр ва эътибор оғушида улғайишига алоҳида эътибор қаратади.

Дарҳақиқат, муассасада ҳар кўни болалар топқирлик ва зук-коликка қорловчи қизиқарли машғулотлар, интеллектуал сало-



Ёлқин Шамсиддин (9-й) олган суратлар

ҳиятни ўстиришга, нутқни шакллантиришга хизмат қиладиган дидактик ўйинлар ўйнайди, расм чизиб, турли мусобақаларда қатнашади. Эътиборлики, Обод турмуш йилида мазкур масканда кичиктойларни соғлом турмуш тарзини ўзида ифодаловчи машғулотларга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўғил-қизларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Боғчада ташкил этилган бадий гимнастика тўғрагида айни пайтда 20 нафар қиз спортнинг нафис тури билан шуғулланмоқда. — Боғча мураббиясининг машғулотларни қизиқарли ўтиши тўғрисида Гузала спортга катта иштиёқ пайдо бўлди, — дейди Гулнеҳра Мирфайзиёва. — Унинг бадий гимнастика билан астойдил шуғулланаётганини кўриб, келгусида спорт мажмуасига беришга қарор қилдик. Энг муҳими, спорт уни қатъий кўн тартибига амал қилишга, вақтида ва тўғри овқатланишга ўргатмоқда.

Ҳа, истиқлол йилларида қиёфаси тубдан ўзгариб, барча шароитга эга бўлиб бораётган бундай таълим-тарбия масканлари фарзандларимизни билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли авлод бўлиб вояга етишига хизмат қилаётди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунаар таълими бошқармаси, Чилонзор матбаа касб-хунаар коллежи кўйидаги лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари.
2. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари.
3. Касб таълими бўйича директор ўринбосари.

Танловда олий маълумотли, таълим тизимида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга, илгари судланмаган, доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй.
Телефон: (8-371) 252-23-31

Чилонзор матбаа касб-хунаар коллежи таълим муассасаси

буфетини ижарага бериш юзасидан

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Аризалар танлов эълон қилинган кундан бошлаб 10 сентябрга қадар қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 21-уй.
Телефонлар: 277-10-56, 277-13-79

И.Иргашев номли шаҳар 4-сон клиник шифохона жамоаси кўп йиллар мобайнида ходимлар бўлими бошлиғи сифатида фаолият кўрсатган **Патхулла Хамидуллаевич НАЗИРХАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари

«ЛОКОМОТИВ» ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXII миллий чемпионатининг 16-тур учрашувлари пешқадам командаларга муҳим очколарни тақдим этди.

Ҳозирда турнир жадвалида карвонбошилиқ қилаётган «Локомотив» жамоаси ўз майдонида «Гулистон» командасини қабул қилди. Айтиш жоизки, биринчи бўлим тенгма-тенг курашлар остида кечди. Эътиборлики, Бахтиёр Ашурматов бош мураббийлигидаги «Гулистон» жамоаси дастлабки 45 дақиқада ажойиб ўйин намойиш этди. Меҳмонлар дарвозасига тезкор гол 5-дақиқадаёқ Нагаев томонидан киритилди. Орадан кўп ўтмай меҳмонлар ҳужумчиси Мамазуннов «Локомотив» дарвозасини аниқ нишонга олиб ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи гол меҳмонлар дарвозасига Раҳимов томонидан киритилди. Яна Мамазуннов мезбонлар дарвозасини забт этиб мувозанатни танлади. 2:2.

Аммо иккинчи бўлим бутунлай бошқача тарзда кечди. Энди мезбонлар тўлиқ ўстунлик қилишди ва меҳмонлар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятларни вужудга келтиришди. Натижада иккинчи бўлимда «Гулистон» жамоаси футболчилари ўз дарвозаларидан 4 та гол ўтказиб юборишди. Раҳимов, Нагаев, Хасанов ва Холматов голларга муаллифлик қилишди. Шундай қилиб 6:2 ҳисобида зафар қўнган темирўлчи оқ-қоқлари сонини 39 тага етказиб ҳамон биринчи ўринни эгаллаб туришибди.

Бекобода «Металлург» жамоаси меҳмони бўлган «Бунёдкор» командаси шиддатли курашларга бой, муросиз кечган бахсда 3:2 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди.

Аввалги турда «Бунёдкор» жамоасини сафарда мағлуб этиб муҳлисларини қувонтирган «Пахтакор» ўшбу турда Игор Шкварин бош мураббийлигидаги «Олмалик» командаси билан ўз майдонида куч сынашди. Пешқадам жамоаларга қаршилик кўрсатишнинг ҳадисини олган «Олмалик» командасига омад қилиб боқди. Чунки «Пахтакор» дарвозасига 5-дақиқадаёқ Полванов томонидан тезкор гол киритилди. Майдон эгалари ҳисобни ўзгаришчи мақсадида меҳмонлар дарвозасига кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Аммо иккинчи бўлимда яна меҳмонлар ҳужумчиси Полванов мезбонлар дарвозабони Лобановни доғда қолдира олди ва ҳисобни 2:0 га етказди. Учрашув якунланишига 9 дақиқа қолганда Анвар Солиев «Олмалик» дарвозасини ишғол этиб орадаги фарқни бир оз қисқартирди. 1:2.

Жамоалар қолган дақиқаларда дарвозалар томон кўп марта ҳужумлар уюштирган бўлишсада 1:2 ҳисоби ўйин охирига қадар ўзгармади.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефчи» — «Бухоро» — 1:0; «Сўғдиёна» — «Қизилқум» — 2:1; «Динамо» — «Насаф» — 1:3; «Шўртан» — «Навбахор» — 1:3.

Ақбар Йўлдошев

Япониянинг Токио шаҳрида шотокан каратэ-до бўйича XI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН

Мусобақада дунёнинг қирққа яқин давлатидан ташриф буюрган каратэчилар кумитэ — яккама-якка кураш ва ката — комплекс машқлар бажариш бўйича ғолиблик учун татамига тушдилар.

Жаҳон шотокан каратэ-до федерацияси (WSKF) томонидан ташкил этилган ўшбу нуфузли турнирда мамлакатимизнинг маҳоратли спортчилари Ширин Раҳимова, Зулайхо Бобоева, Адхам Иброҳимов, Мухаммадсидиқ Абдумуталов, Иброҳим Ойназаров, Зиёдулла Хасанов, Мухаммадбўлазиз Хўжақўлов,

Бехруз Чориев, Закариё Жавдатхўжаевлар яккама-якка кураш баҳсларида ғолиб бўлиб, олтин медаллар билан тақдирландилар.

Кумитэ, жамоавий кумитэ ва ката машқларини бажариш бўйича терма жамоамиз вакиллари саккизтадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар.

Мусобақа якунида тўққизта олтин, саккизтадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. **Жавохир ТОШХЎЖАЕВ**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Тошкент вилояти Хўжалик судининг 02.07.2012 й.даги 11-1235/5792-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошланғич нархи — 100 400 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бешёғоч даҳаси, 8Г-уйда жойлашган умумий майдони 151,0 кв.м. дан иборат 9 қаватли бинонинг 1-қавати.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 27 сентябрь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ўшбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кўнлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кўни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Ғ - 841

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-85
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9030 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов
Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh мухаррир
Акмал АҚРОМОВ